



Ислом Нури

Қийинчилик вақтида ҳамма ҳам Аллоҳни ёдлайди. Кимдир қилган гуноҳларига тавба қилади. Яна кимдир раҳм айлашини сўрайди. Бошқалар пешонаси шўрлигидан шикоят қилади. Кенгчилик келса албатта яхши инсон бўлишга онт ичади. Ҳаммалари ҳам Аллоҳни танийди. Унга юзланишади.

Қийинчилик ортда қолганда эса гоҳиларни айтган сўзлари эсдан чиқади, Аллоҳни яна унутади. Гоҳилар эса тоат-ибодатга жиддий киришади. Ўзини ўнглайди.

Юнус алайҳис-саломнинг қиссаси машҳур. Пайғамбар ўз қавмини Аллоҳга даъват қилади. Қавми Аллоҳга ибодат қилишдан бўйин товлаб, пайғамбарларидан юз ўгиришади. Буни кўрган Юнус алайҳис-салом аччиқланиб, юртидан бош олиб кетади. Кемага миниб денгиз сафарига чиқади. Озроқ йўл юришгач кема чўка бошлайди. Моҳир денгизчилар дарров сабабни тушиниб етадилар.

- Кемада осий киши бор! Уни кемадан улоқтиришимиз керак!

Лекин ким у?! Излаб топиша олмагач қуръа ташлашга қарор қилишади. Қуръада Юнус алайҳис-саломнинг исми чиқади.

- Йўқ бўлиши мумкин эмас! Бу яхши одам экан. Биз таниганимиздан бери фақат яхшилигини билмоқдамиз!

Қайта ташлашди, яна Юнус алайҳис-саломнинг исми чиқади. Кўзларига ишонмай яна ташлашади. Учинчи бор ҳам Юнус алайҳис-саломнинг исмлари чиқгач ноилож у зотни денгизга улоқтиришади. Денгизга улоқтирилган пайғамбар сувга тушар экан тўсатдан дегиздан катта наҳанг балиқ оғзини очганча чиқиб келади-да Юнус



Ислом Нури

алайҳис-саломни ютиб юборади. Денгизчилар оғизларини очганча қотиб қоладилар. Ахир умрларида бунчлик катта наҳанг кўрмагандилар-да! Ҳамма нарса кўз очиб юмунча бўлиб ўтди.

Юнус алайҳис-салом балиқ қорнида денгиз тубига тушиб борарди. Бўлди, ўлдим! – деб ўйлаганди, йўқ ҳеч шикаст ҳам емабди.

Ҳаммаёқ зулмат. Ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Атрофга қулоқ солади. Денгиз қаъридан тошларнинг тасбеҳларини эшитади. Ҳа, эшитаётганлари ҳақиқатдан ҳам тошлар тасбеҳи эди. Дарров дуога юзландилар. Дуолари осмон эшикларини қокди. Натижа эса кутганидан тез бўлди. Аллоҳ тарафидан енгиллик келди.

Бу пайғамбар Юнус алайҳис-саломнинг қиссаларидир.

Яна бошқа Юнус бор, у биз билан ҳамнафас замондош. Шу кунларда аллақайси денгиз бўйидаги шаҳарда истиқомат қилади. Пайғамбар Юнусга хилоф ўлароқ замондошимиз Юнус Аллоҳни танимайди. Отасининг мол-дунёси кўп. Айтагани айтган, деганин деган. Ҳамма нарса муҳайё. Кунини шодлик билан ўтказишдан бошқа ғами йўқ.

Жума куни эди. Одатдагидек ошналари билан бирга денгиз тамошосига чиқишябди.

– Аллоҳу акабар! ...- ҳайя алас солат!.. – ҳайя алал фалаҳ!

Жума намозига азон айтилади. Ҳамма масжидга шошган. Улар ҳам машиналарини ғизиллатганларича йўлга тушадилар. Йўқ масжидга эмас, ҳозир айтганимиздек денгизга. Чунки учиб бораётган машинадаги кишиларнинг қалблари уйқуда. Аллоҳни танимайди. Уларнинг дарди ўйин.



Ислом Нури

Денгизга ҳам етиб келишди. Сув остига шўнғишга мўлжалланган мосламаларни олишиб денгизга ичкарилашди. Кўнгилларига ёққан жойда тўхтаб, ҳаммалари анжомларини кийиб сувга шўнғишди. Ҳамма хурсанд. Денгиз ости чиройи билан мафтун.

- Бирдан кислород келиб турадиган мослама оғзимдан чиқиб кетди. Ёки менга шундай туюлди, чунки нафас олаётганимда ҳавога қўшилиб ўпкамга сув кирди. Шўр сув. Кўп ҳам эмас. Бир неча томчи холос, лекин Аллоҳ шу билан мендан нафасни кесиб қўйди. Бутун баданим: - тоза ҳаво! - деб ҳайқирарди. Лекин нима қилай. Нафас олишга ҳаракат қиламан, лекин иложи йўқ! Атрофга қарайман, дўстларим ҳаммаси узоқда. Чақира олмасам! Баданим типирчилай бошлади. Ҳаёт излаябди. Ҳаво излаябди. Қандай бўлмасин ҳаво керак. Бунинг эса иложи йўққа ўхшайди.

Кўз олдимдан ҳаёт лаҳзаларим ўта бошлади. Ўлаётгандек хис қилдим ўзимни. Бир ўқчидим. Эҳ, қандай ҳам заифсан-а!? Бир томчи сув билан Аллоҳ ўзининг қанчалик қудратли зот эканини кўрсатиб қўйди. Сув юзасига чиқишга ҳаракат қилмоқчи бўлдим, лекин мен анча чуқурликдаман, етишим гумон! Шундагина Аллоҳдан бошқага суяниб бўлмаслигига қаттиқ ишондим.

Йўқ! Мен ўша заҳоти ўлимдан қўрқмадим. Балки Аллоҳ олдига қай ахволда боришим дахшатли кўринди. Нима амал қилдим? Нима деб жавоб бераман?! Намоз йўқ! Хатто бирор марта масжидга борганимни эслай олмадим. Шунда ҳаёлимга шаҳодат калимасини айтиш керак деган қарорга келдим. Ҳеч бўлмаса ҳаётим шаҳодат калимаси билан тугасин!

- Ашҳад...



Ислом Нури

Томоғимга бир нарса тикилди, калимани айта олмадим. Худди бир қўл томоғимдан маҳкам олгандек эди. Менинг калима келтиришимни истамаётгандек эди ўша қўл.

- Аш..

- Ашҳа..

Йўқ иложи йўқ.

- Эй Роббим, мени қайтаринглар! - қичқирарди қалбим. -
Қайтаринглар! Бир соат... майли бир дақиқа ёки бир лаҳза бўлса ҳам майли, ҳеч бўлмаса шаҳодат калимаси айтиб олай!

Лекин ҳайҳот, бунинг сира иложиси йўқ! Ўзимни йўқота бошладим.
Ғариб бир зулмат қуршовида қолдим. Мен шуларни эслайман, холос.

Аллоҳнинг раҳмати жуда кенг экан.

Агар бунга ишонмасангиз, менинг гапларимга қулоқ тутинг. Тўсатдан ўпкамага ҳаво югурди. Кўз олдимдаги зулмат ҳам чекинди. Кўзларимни очаман.. шерикларимдан бири оғзимга ҳаво мосламасини тутди.
Ҳушимга келтиришга ҳаракат қиларди. Ҳали ҳам денгиз остида эканмиз.. менга кулиб қарайди .. демак менинг ҳолим яхши... шунда қалбим ...тилим ... барча борлиғим бор овозда ҳайқира бошлади.

- Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ! Ва ашаду анна Муҳаммадан расулуллоҳ! Алҳамдулиллаҳ!

Сувдан чиққанимда мен бошқа инсонга айланган эдим. Ҳаётга бошқача қарай бошладим. Борлиғим моҳиятини тушиниб етгандим.



Ислом Нури

Аллоҳнинг:

«Фақатгина ибодат қилмоқлари учун яратдим» – деган сўзларини идрок қилгандим.

Кундан кунга Аллоҳга яқинлашиб бордим. Нега яқинлашмай? Ахир биз бекорга яралмаганмиз-ку!

Кунлар ўтиб ўша ҳодиса эсимга тушди. Денгиз ёқасига бордим.. сув ости анжомларини кийдим.. сувга тушиб ҳудди ўша жойга қайтиб бордим. Ўша ерда туриб Аллоҳга шундай сажда қилдимки, ундай ҳаловатни ҳеч қачон топмагандим. Ўша жойда мендан бошқа ҳеч ким сажда қилмаган бўлса керак. Денгиз қаърида! Шояд шу ер қиёмат кунида қилган саждамга гувоҳлик берса ва Аллоҳ мени ўз раҳматига киритса. Эй Роббим дуойимни ижобат қил!
